ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 134 (9.784) 2002 йил 13 ноябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 2002 йил 12 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 12 ноябрь.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. **Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.**

2. **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (биринчи ўқиш).

3. **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (биринчи ўқиш).

4. **«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.**

5. **«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг резервидаги хизмат тўғрисидаги»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.**

6. **«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (иккинчи ўқиш).

7. **«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (иккинчи ўқиш).

8. **«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида** (биринчи ўқиш).

9. **«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида** (иккинчи ўқиш).

10. **«Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида** (биринчи ўқиш).

11. **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида** (иккинчи ўқиш).

12. **Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.**

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 250 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, давлатга пахта топшириш йиллик шартнома режасини бажарган Самарқанд вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрикнома йўллади.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннандан мамлакатимизга амалга оширган сафар чоғида унга ва делегация аъзоларига кўрсатилган меҳмондўстлик учун чуқур миннатдорчилик изҳор этилган мактуб келди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов бир кунлик ташриф билан Туркманистонда бўлди. Ушбу сафар Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркманистон қўшма комиссияси амалга оширган ишлар якунига бағишланди.

● **Кеча** пойтахтимиздаги «Халқаро ҳамкорлик маркази»да бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Литва ҳукуматлараро комиссиясининг мажлисида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида фикр алмашилди.

● Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамкорлигида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция «Оналик ва болалик — давлат ҳимоясида» мавзуига бағишланди. Конференцияда бу борада қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ўрганилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Европа Иттифоқи комиссиясининг ТАСИС дастури доирасида Олий Мажлис амалга ошираётган «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси томонидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилди.

● Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси ва Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоларидан иборат гуруҳ Бухоро вилоятида бўлиб, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун ижроси билан танишди. Гуруҳ уч кун давомида вилоятда нашр қилинаётган газеталар таҳририяти, босмахоналар иши билан танишди, маҳаллий журналистлар билан мулоқотда бўлди.

● Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга бегараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида ажратилган навбатдаги грантлар бўйича шартномалар имзоланди. Умумий қиймати 170 минг АҚШ долларидан ошувчи янги грантлар Самарқанд шаҳри ва вилоятидаги бир неча мактабни ўқув қуроллари ва замонавий техника билан таъминлашга қаратилган.

● Тошкентга ташриф буюрган Польшанинг «ЛОТ» авиакомпанияси вакиллари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси вакиллари билан икки ташкилот ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан музокаралар ўтказдилар.

● Миллий матбуот марказида кучли органик ифлослантирувчи моддаларни қўлламнинг олдини олишга оид Стокгольм конвенциясининг мамлакатимиз учун очадиган истиқболларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● **Эртага** Тошкентда пахтачилик ва тўқимачилик бўйича «Пахта — 2002 Ўзбекистон» халқаро анжумани ўз ишини бошлайди. Анжуман Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар бўйича Агентлиги ва пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитаси, Ливерпул пахта ассоциацияси ҳамда «Cotton Outlook» журнали таҳририяти ҳамкорлигида ўтказилади.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида ижтимоий плакат жанрида ижод қилаётган ёш рассомлар асарлари кўргазмаси очилди.

● Навоий шаҳрида «Турон» яккакураши бўйича 1985-1986 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари якунланди. Унда ўз вазн тоифасида Тошкент шаҳридан Р.Жўраев биринчи ўринни эгаллади.

● **Эртага** шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида ўтадиган Жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун республика ўсмирлар терма жамоаси Грецияга жўнаб кетади.

● **Бугун** Марказий «Пахтакор» стадионида «Пахтакор» футбол жамоаси Осиё чемпионлари лигасининг тўртинчи босқичида Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Аҳли» чарм тўп усталари билан беллашади.

● **Бугун** республикамиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ёнғинчилик бўлмади. Шарқдан сониясига 3-8 метр тезликда шамол эсди. Кундузи ҳаво ҳарорати 18-20 даража иссиқ бўлди.

Жаҳонда

● Илгари хабар қилганимиздек, Европа Иттифоқи билан Россиянинг Брюсселда ўтказилган саммитида Калининград муаммоси бўйича битимга эришилган. Келгуси йилнинг июлидан бошлаб Россия фуқаролари Литва ҳудудидан Калининград вилоятига ва Россиянинг бошқа қисмига бўладиган кўп марталик сафарлари учун махсус рухсатномалар оладилар.

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Брюсселдан Ослога келди. Бу ерда Владимир Путин Норвегия пойтахтига келган Германия канцлери Герхард Шрёдер билан музокаралар олиб боради. В.Путин ва Г.Шрёдер Россия ва НАТО муносабатларини, Яқин Шарқдаги вазиятни, Ироқ муаммосини, шунингдек, икки томонлама ҳамкорлик масалаларини муҳокама қиладилар. Шунингдек Россия давлати раҳбарининг Норвегия Бош вазири Кьелл Магне Бондевик билан ҳам музокаралари бўлиб ўтади.

● **Кеча** Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Лондонда сўзга чиқиб, мамлакат аҳолисини эҳтимоли кўзда тутилаётган террорчилик ҳаракатларига ҳушёрликка даъват этди.

● Қоҳирада бўлиб ўтган Араб давлатлари лигасига аъзо 22 мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлари учрашувида БМТ томонидан Ироқ бўйича қабул қилинган резолюция қўллаб-қувватланди.

● **Кеча** Ироқ парламенти БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Ироқни қуролсизланишга даъват этувчи резолюция бўйича баҳсларни давом эттирди. Бир қатор жаҳон ахборот маҳкамаларининг тарқатган сўнгги хабарларига қараганда, Ироқ парламенти бир овоздан БМТнинг 1441 -резолюциясини рад этганлиги билдирилади. Энди охирги сўзни Саддам Ҳусайн раҳбарлик қилаётган Ироқ инқилобий қўмондонлиги кенгаши айтиши керак. АҚШ Президенти Жорж Буш агарда Бағдод БМТ резолюцияси талабларига риоя қилмаса АҚШ Ироққа қарши ҳарбий амалиётларини бошлаши мумкинлигини айтди.

● Исроил парламенти (Кнессет)нинг сайловлари келгуси йилнинг 28 январь куни бўлиб ўтади. Бу ҳақда Кнессетнинг Адлия ва қонунчилик қўмитаси қарор қабул қилган.

● БМТ Тараққиёт дастури орқали Афғонистоннинг янги конституциясини яратиш бўйича тузилган комиссияга 60 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

● Эквадор пойтахти Кито шаҳри осмонини «Ревентадор» вулқонидан отилган газдан ҳосил бўлган булут қоплаганлиги туфайли мактабларда ўқув машғулотлари тўхтатилди.

● **Бугун** Москва ҳарбий округ суди полковник Александр Сипачёвни айғоқчилиги учун саккиз йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Суд шунингдек уни ҳарбий унвонидан ҳам маҳрум этди. У АҚШ Марказий қидирув бошқармаси билан қилган ҳамкорликда айбланмоқда.

● **Бугун** Теҳрон шаҳрида Ўзбекистоннинг «Нефтчи» футбол жамоаси Осиё чемпионлари лигасининг тўртинчи босқич беллашувида Эроннинг «Истиқлол» жамоасига қарши майдонга тушади.

ЯРМАРКАЛАР

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ривожига, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, улар томонидан тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотлар харидорини топишида ўтказилаётган кўрик-танлов, кўргазма ва ярмаркаларнинг ўрни ҳам муҳим бўлмоқда.

Харидорлар талаби асосида

Куни кеча пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Савдо марказида туман ҳокимлиги ва Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ташкил этилган доимий савдо ярмаркаси иш бошлади. Унга туманда фаолият кўрсатаётган 50 дан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган турли-туман озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари қўйилган. Булар орасида «ПГС» хусусий корхонасининг мини ускуналари, «Нафис» акционерлик жамияти ҳамда «Висо» қўшма корхонаси, хусусий тадбиркорлар Б.Мажидов ва С.Сарваровлар томонидан тайёрланаётган пойабзаллар, «Хабар-Паркет» хусусий фирмасининг қурилиш ашёлари, «Лаз ўғли» қўшма корхонасининг ширинликлари, «Бета Алгоритм» хорижий фирмасида қадоқланаётган хушбўй чойлар, «Пўлат» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ошхона жиҳозлари, «Муҳиба» хусусий фирмасининг трикотаж кийимкечаклари, «OFSET PRINT» масъулияти чекланган жамиятининг матбаа маҳсулотлари, «Асл биллур» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган сифатли ичимликлар ва бошқа жуда кўплаб тадбиркорларнинг маҳсулотлари ўрин олган. Кўргазма залини айланиб ана шундай маҳсулотларнинг пойтахтимизда тайёрланаётганлиги, уларнинг бемалол хориждан келтирилаётган маҳсулотлар билан сифати, ташқи кўриниши жиҳатдан рақобатлаша олиши кишини қувонтиради.

— Палатамизга аъзо бўлган тадбиркорларга яқиндан ёрдам бериш, туманда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишини янада ривожлантириш ҳамда пойтахтимиз аҳолисини ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида ушбу савдо ярмаркасини ташкил этдик, — дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси вазифасини бажарувчи Дилором Пўлатова. — Албатта, ярмарка доимий фаолият кўрсатиб, харидорлар талабини қондиришни, шу билан бирга уларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқиб маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини оширишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу ярмаркадаги фикр-мулоҳазалар тадбиркорликни ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлади ва ундан ҳулоса чиқарган ишбилармонлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириб, мамлакатимиз иқтисодиёти равнақига муносиб улуш қўшади деган умиддамиз. Шу боисдан ҳам палатамиз ҳамиша уларга шароит яратишда, қўллаб-қувватлашда саъй-ҳаракатларини аяшмайди, доим кўмакка шай туради.

Савдо ярмаркаси ташриф буюрганларнинг эътиборини жалб этганини шунда кўриш мумкинки, маҳсулотларга қизиқувчилар ва харид қилувчилар кўп бўлди.

— Бундай савдо ярмаркасининг туманимизда доимий фаолият кўрсатиши харидорларимиз сафининг ортишида бизга яқиндан кўмак беришига ишонамиз, — дейди «Асл биллур» масъулияти чекланган жамияти бош директорининг ўринбосари Анвар Худойберганов. — Маҳсулот ишлаб чиқараётганимизга эндигина бир йилдан ошган бўлса-да, харидорларимиз анчагина. Бунга асосий сабаб маҳсулот тури ва сифатига эътибордир.

— Ушбу тадбир ўз самарасини бериши мана биринчи кунданоқ сезиляпти, — дейди «OFSET PRINT» корхонаси раҳбари, тадбиркор Тўлқин Нурмуҳаммедов. — Маҳсулотларимизга қизиқувчилар жуда кўп. Бунинг сабаби бор, албатта. Бизнинг корхонада сифатли қоғоздан ишлаб чиқарилаётган матбаа маҳсулотлари, айниқса умумий ва ўқув дафтарлари сифати ва безаги билан хорижникидан асло қолишмайди. Босмадан чиқарилаётган фан дафтарларимиз талабга тўла жавоб беради. Мақсадимиз ички бозорда ўз ўрнимизга эга бўлиш ва саъй-ҳаракатларимиз билан, албатта бунга эришиш оламиз.

Ҳа, савдо ярмаркаси эндигина иш бошлади. Ҳали бу ердаги тадбиркорлар сафи яна ҳам кенгайиши, маҳсулотлар турлари эса шаҳримиз аҳолисини мамнун этиши, шубҳасиз. Агарда савдо ярмаркасига ташриф буюрсангиз, ўзингиз ҳам бунга яққол гувоҳ бўласиз.

Дилноза ГИЁСОВА

СУРАТЛАРДА: савдо ярмаркасидан лавҳалар.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

❐ **КЕЧА** Бектемир тумани «Маънавият ва маърифат» марказида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишларини кенг тарзда тарғибот қилиш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

❐ **«ЎЗБЕККАБЕЛЬ»** Давлат акциядорлик бирлашмасида бўлиб ўтган йиғилишда шу кунгача корхонада 200 дан зиёд экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганлиги, энг муҳими икки миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланганлиги маълум қилинди.

❐ **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси қошидаги сейсмология институтида олимлар иштирокида ўтказилган тадбир профессор Рашод Иброҳимов таваллудининг 70 йиллигига бағишланди.

❐ **ЯПОНИЯ** ҳукуматининг бегараз ёрдами туфайли пойтахтимиздаги замонавий санъат музейи янги экспонатлар билан қайта жиҳозланадиган бўлди.

❐ **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институти қошида Япония ҳуқуқ маркази фаолият бошлади.

❐ **РЕСПУБЛИКА** Файласуфлар жамиятида файласуф олимлар иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати «Маънавий-маърифий тарғиботнинг долзарб масалалари» деб номланди.

❐ **ЮНУСОБОД** туманидаги 51-мактабда кексалар, меҳрга ташна инсонларга ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Саховатли ёшлар» клуби ташкил этилди.

❐ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ташаббуси билан матбуотнинг жамиятни эркинлаштиришдаги ўрнига бағишлаб ўтказилган тадбирда таълим-тарбия соҳаси ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

❐ **«ЭКОСАН»** халқаро жамғармаси ташаббуси билан шаҳримизда жамоат ташкилотлари вакиллари, эколог олимлар иштирокида «Аҳолишунослик — атроф-муҳит — барқарор ривожланиш» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

❐ **ЗАМОНАВИЙ** санъат марказида рангтасвир, графика жанрида ижод қилувчи ёш рассомлар томонидан яратилган 200 дан ортиқ асарлар кўргазмаси намойиш этилди.

ҲАМКОРЛИК

Экспортбоп маҳсулотлар чиқарилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида Президентимиз жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатдан янгилаш борасида устувор вазифалардан бири ҳисобланган иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, экспорт ривожи, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар чиқаришни таъминлашнинг муҳим шарти — хорижий инвестицияларни жалб қилиш, бунинг учун тегишли инвестицион муҳит ва инвесторлар учун кафолатлар яратиш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтганди.

КЕЧА пойтахтимизнинг Бектемир туманида фаолиятини бошлаган янги қўшма корхона ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг ёрқин далилидир.

Қурилиш индустриясида эҳтиёж юқори бўлган ва шу кунга қадар республикамизда асосан импорт ҳисобида фойдаланилган керамик плиткаларнинг эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Эътиборга лойиқ томони шундаки, ушбу лойиҳа Италиянинг «Велко» фирмаси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Маълумки, жаҳон бозорида кафель маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Италиянинг «Сити», «Сакми», «Расети» каби фирмалари етакчи ҳисобланади. Аммо улар қаторида олдинги ўринда «Велко» фирмаси туради.

«Велко индустриале» фирмаси Ҳамдўстлик давлатлари орасида Россиядан кейин фақат Ўзбекистон билан иқтисодий шерикчилик алоқаларини ўрнатган.

— Бу ҳам бўлса бизнинг мамлакатимизда чет эл сармоядорлари учун яратилган муҳит ва шарт-шароитлар ҳисобигадир, — дейди янги «Агрокерамика» қўшма корхонасининг бош директори Тимур Аҳмедов. — Лойиҳа қуввати йилига 600 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлса-да, хорижий шерикларимиз яқин кунларда яна битта ускуна ўрнатишга ҳозирлик кўришмоқда. Яъни келгуси йилдан бошлаб нафақат ички бозорни таъминлаймиз, балки экспорт имкониятларимиз ҳам очилади. Шу билан бирга қўшни давлатларда савдо уйларини ташкил қилишни режалаштирганмиз. Бу дегани ишлаб чиқариш қуввати юқорилагани сари қўшимча ишчи ўринлар ҳам яратилади.

Дарвоқе, ҳозирда «Агрокерамика»да 100 га яқин ишчи ва хизматчилар фаолият бошлади. Янги ускуна ва технологияларни ўзлаштиришда уларга италиялик ҳамкор шериклардан ташқари, Франция, Испания ва Туркия мутахассислари ҳам яқиндан ёрдам кўрсатишди.

Йўлга қўйилган янги инвестиция лойиҳасининг яна бир муҳим томонини таъкидлаб ўтиш лозим. Жаҳон андозалари даражасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган кафель маҳсулотининг таркиби 75-80 фоиз маҳаллий хом ашёдан иборат. Демак, ушбу маҳсулот сифати, тури ҳамда таннархи жиҳатдан ҳам истеъмолчилар эҳтиёжини қондириши, шубҳасиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

АНЖУМАНЛАР

Фестивалга марҳамат

Маълумки, 1998 йил Ўзбекистон ёшлар театри ташаббуси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида илк бор халқаро ёшлар театрларининг «Хумо» фестивали ўтказилганди. Икки йилда бир марта ўтказиладиган бу фестивалда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган театр жамоалари ўзларининг сара асарлари билан қатнашади. Орадан қисқа вақт ўтишига қарамасдан «Хумо» фестивали ўз мухлисларини топди.

Айни пайтда мамлакатимизда халқаро ёшлар театрларининг III-«Хумо» фестивали «Ёшлар—терроризмга қарши» шиори остида бўлиб ўтмоқда. Ўн етти давлатнинг театр жамоалари қатнашаётган бу санъат анжуманини октябрь ойида Австриянинг «Мадрен-данс» театр жамоаси ўзининг «Nebcnsonten» спектакли билан бошлаб берганди. Шу кунларда эса Франциянинг замонавий рақс театри, «Swreet toye» фестивалига ташриф буюрди. Улар бу гал ўзбек томошабинларига «Sulz» спектаклини тақдим этишади. Шу муносабат билан Ёш томошабинлар театрида «Sweetmove» театрининг бадиий раҳбари Лоранс Мвассер хоним ва француз элчихонаси вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган ушбу анжуман барчада катта таассурот қолдирди. Лоранс хоним «Хумо» фестивалининг халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилишига алоҳида эътиборни қаратар экан, жумладан шундай деди:

— Мен юртингизда бундан бир неча йил олдин ҳам бўлганман, ўшандаёқ ўзбек халқи ўзининг меҳмондўстлиги, қолаверса санъатсеварлиги билан менда катта таассурот қолдирганди. Мана ява Ўзбекистондаман. Ўйлайманки, бу йилги фестиваль томошабинларга манзур бўлади. Ўзбекистонликларга тинчлик, хотиржамлик тилаган ҳолда уларни фестивалга таклиф этиб қоламан.

Бахтиёр КАРИМОВ

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан шу йилнинг 15 ноябридан мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» бошланади.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган мазкур тадбир давомида талай чора-тадбирлар ўтказилиши мўлжалланмоқда. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар объектларини ҳамда уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, республиканинг тоифаланган ва ўта муҳим объектларида ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш шулар жумласидандир.

Фармойишга биноан мазкур тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ойликни ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари фаолият кўрсатади. Тадбирга ёнғин хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идоралар жалб этилади.

(ЎзА).

ФУТБОЛ

Галаба билан бошлашди

Таиландда 16 ёшли ўсмирлардан таркиб топган терма жамоалар иштирокида халқаро турнир ўтказилаётгани ишқибозларга маълум.

Ушбу нуфузли мусобақада индонезиялик, таиландлик ва қирғизистонлик тенгдошлари билан «А» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки учрашувларни муваффақиятли бошлади. Гуруҳнинг кучли жамоаларидан саналаётган индонезияликларни ҳамюртларимиз 4:2, қирғизистонликларни 3:0 ҳисобларида мағлубиятга учратиб кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

(Ўз мухбиримиз)

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЯШАМОҚДА ВА АМАЛ ҚИЛМОҚДА

Ижтимоий адолат мезони

Қонуннинг устуворлиги демократик ҳуқуқий давлат қуришда, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, иқтисодиётда ҳуқуқий тартиб ўрнатишда ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда катта аҳамиятга эга. Қонуннинг устуворлиги яна шуни билдирадики, асосий ижтимоий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади.

Фуқаролик жамияти асосларини яратиш ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш изчил ҳуқуқий ислоҳотларни рўёбга чиқаришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг асосида яхлит қонунчилик тизимининг яратилаётганлиги ҳуқуқий ислоҳотлар уфқларини ёркин белгилаган ҳолда уни жадал суръатлар билан амалга оширишга ҳақиқий шароит яратиб бермоқда. Ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ўз навбатида фуқароларда янги даврга хос ҳуқуқий қадриятларни шакллантиришни талаб этмоқда.

Конституция — Асосий Қонун сифатида ҳуқуқий ислоҳотлар пойдевори, қонунлар гултожи ҳисобланади. Конституциямизда эътироф этилганидек, қонун устуворлиги таъминланган тақдирдагина жамиятимиз равнақ топади ва халқимиз фаровонлигини оширишга омили яратилади.

Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди.

Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида таъкидлаганидек, «Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий масқан. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари камситилмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт».

Энг аввало, қонунчилик ислоҳотларини амалга оширишда ҳуқуқий устувор нормалар асосида ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атвор қоидаларини белгилаш объектив зарурият ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчилар фаолиятини тартибга солувчи қонун асосларини яратиш ва улар учун тегишли ҳуқуқий маконни шакллантириш қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Қонуннинг устуворлиги — ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилидир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир ҳўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсуниш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас.

Ҳозирги шароитда ўзбек ҳуқуқшунослигидаги бош масала миллий ҳуқуқий таълимотни яратишдир. Мустақиллик йилларида 400 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Бу ҳол яна бир маротаба мустақиллик йилларининг дастлабки кунидан бошлаб иқтисодиёт ва маънавиятни ҳамда бошқа соҳаларни танлаган йўлимиз бўйича устувор ривожлантиришга эътибор бериб мамлакатимизда ҳуқуқий маконни барпо этиш борасида кенг кўламда ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Президентимиз таъкидлагандек, «Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Биз, «Адолат — қонун устуворлигида» деган ҳаётий тамойилга амал қилиб яшашимиз зарур».

Бинобарин, бу озод ва обод Ватан барчамизники, унинг тинчлиги, фаровонлиги, қонунларнинг устуворлигини таъмин этиш ва эл-юрт фидойилари бўлиш учун сидқидилдан меҳнат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Абдуҳаким СОИБЖОНОВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

УЙ-ЖОЙ - КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: истиқбол ва муаммолар

Коммунал соҳасидаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш, жумладан уй-жой мулкдорлари ширкатларининг имкониятларидан тўла ва унумли фойдаланиш бугунги кун талабидир. Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, ҳозир жойларда бу борада хайрли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Жумладан, Юнусобод тумани ҳокимлигининг ташаббуси ҳам ибратга лойиқдир. Чунончи, «Юнусобод туманида кўп қаватли ўнта турар жойларнинг муҳандислик коммуникацияларини тубдан таъмирлаш ишларини танлов асосида ташкиллаштириш ва ўтказиш тўғрисида» туман ҳокимининг қарори чиқиб, танлов низоми ишлаб чиқилгани ҳолда бу борада таъмирлаш-ободонлаштириш ишлари ўз поёнига етмоқда. Бизнинг туман ҳокими Равшан ПЎЛАТОВ билан суҳбатимиз ҳам кўп қаватли турар жойларни танлов асосида таъмирлаш ишлари қай йўсинда ва қандай кучлар билан амалга оширилаётгани хусусида бўлди.

— Равшан Каримович, очиғини айтганда кўп қаватли уйларни таъмирлашда ўзига хос йўл тутган ҳолда ибратли ишга қўл урибсизлар. Бу янгилик албатта. Айтингчи, ушбу ғоя қандай туғилди?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Коммунал соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда 1991 йилгача қурилган турар жойларни 2001-2005 йилларда тўла таъмирдан чиқариш тўғрисидаги дастур, шунингдек, Юртбошимиз ўз маърузаларида бир неча бор таъкидлаган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида янги иш усулларини татбиқ этиш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларни амалга ошириш юзасидан бугунги кунда ташаббускорлик, омилкорлик, маблағлардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ўз ишини сифатли амалга ошириш каби ҳислатлар талаб этилади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда бизда танлов ташкил этиш ғояси туғилди. Уни ташкил этишдан асосий мақсад эса кишиларимиздаги умумий мулкка бефарқлик тушунчасини шахсий мулкни асраб-авайлаш керак қабилида тубдан ўзгартириш, турар жойларга нисбатан олганда эса уларда «ўз уйимизни ўзимиз асрайлик» деган руҳиятни уйғотишдир.

Кўп қаватли турар жойларнинг муҳандислик коммуникацияларини яшовчиларнинг ўзларини бу ишга фаол жалб этган ҳолда таъмирлаш бўйича танлов уюштириш, амалга оширилаётган ишлар сифати устидан шахсий назоратни амалга ошириш, танлов шартларини бажаришда уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз кучлари билан бевосита иштирок этишлари — таъмирлаш муддатларини қисқартириш, моддий ресурсларнинг тежалиши, бажариладиган ишларнинг сифатли бўлишига кўмаклашиб, фикримизча турар жойларни 2001-2005 йилларда тўла таъмирлашни ўтказиш бўйича мураккаб юмушларни оқилона ҳал этишга имкон яратади.

— Танловда қатнашадиган уйларни танлашда қандай тамойиллардан фойдаланилди?

— Дастлаб танловни ўтказиш тўғрисида қарор чиқарилди ва низом ишланди. Унга кўра танлов икки босқичда ўтказилмоқда. Дастлаб танловда иштирок этиш учун тендер ташкил этилди, сўнг эса бевосита танлов бошланди. Бунинг учун 10 та уй танлаб олинди. Материаллар ва бутловчи қисмлар туман ягона буюртмачи хизмати томонидан етказилмоқда, иш учун зарур техника, асбоб-анжом ва ишлаб чиқариш воситалари эса танловда қатнашадиган ишчи бригадалар томонидан таъминланади. Тендерда барча уй-жойлар мулкдорлари ширкатларининг малакали ишчиларидан ташкил этилган бригадалари ҳамда туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган пудратчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Энг муҳими, танловда қатнашиш учун тайёргарлик кўрилганини исботлаш керак, яъни лойиҳа-смета ҳужжатлари, асбоб-анжом ва ускуналар тўплами, керакли жиҳозлар мавжудлиги, шунингдек ишчи-хизматчиларда махсус кийим-бошлар бўлиши, техника хавфсизлиги бўйича йўриқномадан ўтиш лозим. Танловда қатнашиш учун танланган уй-жойлар аҳолиси барча коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш тўловларидан қарздор бўлмасликлари талаб этилади. Танловнинг ўна бир шарти шундаки, уй 1991 йилгача қурилган ва ўша пайтдан буён таъмирланмаган бўлиши лозим.

Иккинчи босқични эса танловнинг бевосита ўзи ташкил этади. Ўнта қатнашчининг барчаси бир пайтнинг ўзида таъмирлаш ишларини бошлайди. Муҳандислик коммуникацияларида таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши — бажарилаётган ишларда қанчалик янги технологиялар, усуллар қўлланилаётганлиги, техника хавфсизлигига риоя этилаётгани, иш тартибини ҳар бир уйга ҳайъат аъзолари таркибидан бириктирилган кузатувчи ҳокимликнинг масъул ходимлари мувофиқлаштиришади.

Танлов ғолиблари учун умумий қиймати 12 миллион сўмлик мукофотлар кўзда тутилган.

— Танлов доирасидаги таъмирлашда қандай ишларни амалга ошириш кўзда тутилган?

— Муҳандислик коммуникацияларини янгилаш, қувурлар, вентиллар, задвижкаларни алмаштириш юмушлари асосий ишлар қаторига киради. Уйга лойиҳада кўзда тутилмаган иситиш воситалари ўрнатилмаслиги лозим. Ҳар бир хонадоннинг иситиш тизими иссиқлик меъёрини созловчи мосламалар билан таъминланиши керак. Ҳар бир хонадонга иссиқ ва совуқ сув сарфи ҳисоблагичлари ўрнатилиши кўзда тутилган. Шунингдек, яшовчилардан таъмирловчилар — бригада аъзоларининг иш тарзи, муомаласи юзасидан бирорта ҳам шикоят тушмаслиги даркор. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, иссиқ ва совуқ сув ҳарфи ҳисоблагичларини ўрнатиш билан узвий равишда уларга сервис хизматини кўрсатиш масаласи ҳам ҳал этилмоқда.

Таъмирлаш ишлари тугатилганидан сўнг кузатувчилар ва ҳайъат аъзоларининг билдиришномалари ва текширувлари натижасида бажарилган ишларнинг сифатига баҳо берилади.

— Хонадонларда истиқомат қилувчилар ҳисоблагичларнинг ўрнатилишига қандай муносабатда бўлмоқдалар?

— Ҳисоблагичлар бўйича тўлов шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланган меъёрларга нисбатан кам бўляпти. Бироқ, муҳими бунда ҳам эмас. Агарда илгари яшовчилар қувурлардан сувларнинг беҳуда оқишига бефарқ қараган бўлсалар, ҳисоблагичлар ўрнатилганидан кейин дарҳол ўз кучлари билан кранларни таъмирлаш чораларини кўра бошладилар. Зеро, эндиликда крандан сув эмас, балки оила бюджетидан маблағлар «томчилайди».

— Ўтказилаётган танловнинг иқтисодий томонлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Танлов ўтказилаётган уйлар муҳандислик коммуникацияларини таъмирлашнинг смета қиймати ҳисоблагичларнинг ҳам ўрнатилишини ҳисобга олганда 129 миллион сўмни ташкил этади.

Танловнинг уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўз кучи билан ўтказилиши муносабати билан уйлар муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш қиймати 52 миллион сўмга тушди. Унга мукофотлар қиймати билан яна 12 миллион сўм қўшилади. Бироқ, тўла таъмирнинг ўтказилиш муддатлари ҳам муҳим иқтисодий аҳамиятга эга омил ҳисобланади. Оддий шароитларда битта уйни тўлиқ таъмирлаш ишлари 3-4 ой давомида амалга оширилади. Танлов доирасида эса шундай тамирлаш ишлари учун 15-20 кун кифоядир. Муҳандислик коммуникацияларини тўла таъмирлаш ишларини шундай тартибда амалга ошириш Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўзда тутилган 2001-2005 йилларда турар жойларни тўла таъмирлаш режаларини муваффақиятли бажариш имконини беради.

— Танлов ғолиблари қандай мукофотлар билан тақдирланади?

— Ғолиблар учун учта асосий мукофот кўзда тутилган. Чунончи, биринчи ўрин учун «Дамас» автомашинаси, иккинчи ўринга компьютерлар ва учинчи ўрин соҳибига пайвандлаш анжомлари тўплами топширилади. Бошқа қатнашчилар — уй-жой мулкдорлари ширкатларига кўрсатган ташаббуслари, таъмирлаш сифатини яхшилаш, материалларни тежаш бўйича таклифлари учун турли-туман совғалар берилади. Шунингдек, омилкорлик ва таъмирни яхши ташкил этганлиги учун танловда қатнашувчи уйларга бириктирилган раҳбарлар ҳам мукофотланади. Бундан ташқари, амалга оширилаётган ишларга ўзларининг катта хиссасини қўшган ва фаол кўмаклашган таъмирланаётган уйларнинг яшовчилари учун ҳам мукофотлар кўзда тутилган.

— Мукофотларни харид қилиш учун пул маблағлари қайси манбалардан олинади?

— Бунинг учун биз кўнгилли ҳомийларни жалб этдик. Бу Юнусобод туманидаги корхона ва ташкилотлар бўлиб, улар танловнинг ўтказилишига фаол кўмаклашмоқдалар, танлов комиссиясида иштирок этадилар, бажарувчилар ташаббусининг қанот ёзишига ёрдам бермоқдалар.

— Танлов қатнашчилари сифатида қандай уйлар танлаб олинди?

— Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тендерда тўла таъмирни талаб этувчи, мажбурий тўловлар бўйича ҳеч қандай қарзлари йўқ уйлар ютиб чиқишди. Тендер жараёни давомида иккита уйнинг шундай қарзларга эга эканлиги аниқланди ва улар бошқа уйлар билан алмаштирилди.

— Танловнинг дастлабки якунларини чиқариш мумкинми?

— Уюштирилаётган танлов натижаларига кўра шуни қатъий таъкидлаш мумкинки, яшовчиларнинг ўз уйлари, хонадонларига бўлган муносабатлари ўзгарди. Уларнинг кўпчилиги ўз ҳисобларидан атрофдаги ҳудудни ўраш, гул ва кўкатларни экиш, эски қувурлардан узумлар учун ишкомлар ясаш ҳамда ён-атрофдаги ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, уйларнинг йўлакларини ўз кучлари билан тартибга келтириш, йўлаклар ва ертўлаларга темир эшиклар, чордоқларга металл қопқоқларни ўрнатиш, йўлакларни ёритиш ишларини амалга оширa бошладилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган рақамлар ва далиллар орқали ҳам танловлар орқали таъмирлаш ишларини амалга оширишнинг қанчалик мақсадга мувофиқлиги кўриниб турибди. Танловда қатнашаётганларга қўшни бўлган уйларда яшовчи аҳоли томонидан шундай таъмирлаш усулига нисбатан қизиқиш пайдо бўлмоқда ва улар ҳам шу каби ишларни амалга ошириш тўғрисида мурожаатлар қилишмоқда.

Ўйлайманки, бу каби танловлар кўп қаватли уйларда яшовчилар томонидан муҳандислик коммуникацияларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши, уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, йўлаклар ва бошқа умумий фойдаланиш жойларида тозаликни сақлашга имкон яратмоқда. Зеро, яшовчиларнинг ўзлари ўз қалб қўрлари билан чин кўнгилдан таъмирлаш ишларида иштирок этишди.

— Мазмунли суҳбат учун ташаккур. Ўйлаймизки, Юнусобод тумани ҳокимлигининг ибратли ташаббуси шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам қанот ёзади ва келгусида даҳаларимиз чиройи янада очилади.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

СУРАТЛАРДА: танловда иштирок этган уйлар мана шундай чехра очди; танлов ғолибига ушбу «Дамас» автоулови топширилади.

Сергей Любчич олган суратлар.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Юнусободликларнинг ибратли ташаббуси

коммунал хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар самараси

ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Ҳар бир фаслнинг ўзига яраша саховати бор. Куз фаслининг сўнгги ойи ҳам ўтиб боряпти. Аммо хонуз ёғингарчилик бўлмади, унинг илиқ тафти ҳали ҳам сезилиб турибди. Албатта, бу шаҳар коммунал хўжалиги учун қишнинг қорли-қировли кунларига тайёргарликни пухта ва маромида олиб боришда қўл келди. Мана, пойтахтимизда иситиш мавсуми ҳам бошлаб юборилди. Лекин ноябрь ойи бошланиши билан кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи ҳамшаҳарларимиз «Нега хонадонларимиз иситилмаяпти?» «Шаҳарда қишга тайёргарлик ҳанузгача тугамадими?» деган саволларни беришади. Мухбиримиз худди шу саволлар билан Тошкент шаҳар Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори Ғаффор НОРМАТОВга мурожаат қилди.

Режаланган юмушлар бажарилмоқда

— Албатта, барчамизга маълумки, қиш тайёргарликни ёқтиради. Шу боис хавотирга ўрин йўқ. Пойтахтимизда 2002-2003 йил кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари шаҳар ҳокимининг жорий йил 16 апрелдаги қарорига кўра ишлаб чиқилган махсус дастур асосида амалга оширилди. Дастурга кўра шаҳарнинг барча энергетика корхоналари, коммунал-маиший муассасалари, транспорт, сув, газ таъминоти, уй-жой фонди, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларини бу йилги кузги-қишки мавсумга тайёрлаш билан боғлиқ тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда амалга оширилиши режаланган барча юмушларни 1 ноябргача тугатдик.

— Ғаффор ака, ҳамшаҳарларимиз «Нега 1 ноябрдан иссиқлик хонадонларимизга етиб келмаяпти?», саволлари билан тахририятга мурожаат қилишяпти...

— Аввало, мен ҳамшаҳарларимизга шуни айтишим лозимки ҳар бир кўп қаватли уйнинг ертўласига 1 ноябргача иссиқлик тўла етиб борган. Лекин иссиқлик бериш бўйича белгиланган тартибга кўра об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар болалар боғчалари, ўқув муассасалари, даволаш объектларига 15 октябрдан иссиқлик бериш кўзда тутилган. Хонадонларга эса ҳаво ҳарорати 5 кун мобайнида +8 градус ва ундан паст бўлганда иссиқлик бериш амалга оширилади. Бу шаҳар ҳокимининг қарорига асосан бажарилади. Шунинг учун ҳам ҳамшаҳарларимизнинг эътирозлари ноўрин. Тошкент шаҳар ҳокимининг жорий йил 9 ноябрь қарорига кўра кўп қаватли уйлар хонадонларига иссиқлик беришни 13 ноябргача амалга оширдик.

— Лекин айрим кўп қаватли уйларда иссиқлик бериш анча олдин амалга оширилганлиги ҳам сир эмаску...

— Бу, албатта ўзбошимчалик билан ё уй-жой мулкдорлари ширкати, ё айрим шахслар томонидан амалга оширилган иш бўлиб, бунинг учун улар текширилиб, жаримага тортилиши шарт.

— Шу ўринда бир савол туғилади: Уй-жой мулкдорлари ширкати бошқаруви раислари орасида коммунал соҳадан бутунлай йироқ одамлар борлиги ҳам ишни тўғри ташкил этишга халал бермаяптими?

— Ширкат бошқаруви раисини ширкат аъзоларининг ўзлари сайлайдилар. Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунида «Ширкат бошқаруви ширкат аъзолари орасидан ширкат уставида белгиланган муддатга умумий мажлис томонидан сайланади. Бошқарув ўз таркибидан раисни ва унинг ўринбосарини сайлайди... Ширкат бошқарувининг раиси ширкат уставида белгиланган муддатга сайланади...» дейилган. Демак, раисни аъзоларнинг ўзи танлайди, у ҳеч ким томонидан тайинланмайди.

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган 393 та ширкатдан 391 таси ўрганилганда шу нарса аниқландики, ширкат раислари орасида соҳага алоқаси бўлмаган касб эгалари — ўқитувчи, киномеханик, ҳайдовчи ва бошқалар анчагина, 23 нафар ширкат раиси ўрта маълумотли. Шуни назарда тутиб, бирлашмамиз қошида «Мулоқот » клубини ташкил этиб, бу ерда ширкат раислари, ҳисобчилари учун соҳа ходимлари билан мулоқотлар, коммунал соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш борасида ҳамда иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ошириш учун семинар ва ўқувлар ташкил этаяпмиз. Бундай тадбирлар ҳар ойда ўтказиб турилади. Лекин ўз соҳасини мукаммал билганлар майли-я, билмаганлари ҳам бундай анжуманларга камдан кам қатнашишади. Шунинг учун ҳам раисни сайлашда хато қилмаслик керак. У ишчан, тадбиркор, ўз соҳасини пухта биладиган, аҳоли учун жон куйдирадиган бўлиши, аъзолар ишончини оқлаши лозим. Шаҳримизда ана шундай ширкат раислари ҳам, ширкатлар ҳам кўп. Улардан ўрнак олиш, керак бўлса тажрибаларини ўрганиш лозим.

— Кўпчилик ширкатлар «Бизга эски уйлар тўла таъмирланмай топширилди, бунинг устига олдинги ижара корхоналарининг қарзлари ҳам бўйнимизга юкланди» деб арз қилишмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 мартдаги 74- фармойишига кўра 1991 йилгача қурилган турар-жой бинолари 2006 йилгача тўла таъмирланиши лозим. Шаҳримизда 3647 та шундай уйлар мавжуд бўлиб, улар 4 та титул бўйича тўла таъмирдан чиқарилади. 1-титулда аҳолидан тушадиган фойдаланиш харажатлари маблағининг 30-40 фоизи эвазига, 2-титулда давлат бюджетидан ажратилган пул ҳисобига, 3-титулда ҳудудда жойлашган ташкилот ва идоралар ҳомийлик маблағлари ҳисобига ва 4-титулда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари тасдиқлаган баённома бўйича Вазирликлар ва идоралар кучи ҳамда маблағидан фойдаланган ҳолда тўла таъмир амалга оширилади. Жорий йилда пойтахтимизда 488 та уй тўла таъмирланиши керак эди. Ҳозирда 310 та уйда бу ишлар бажарилди, қолганларида давом этмоқда, ўлчаш асбоблари ўрнатилмоқда ва ноябрь охиригача ниҳоясига етади. Келгуси йилда эса 800 та уйни капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Энди қарзларга келадиган бўлсак, ахир бу ўша ижара корхонасига қарашли бўлган хонадон эгаларининг қарзи. Улар эндиликда ширкатга аъзо бўлдилар, шу уйда яшаб, хизматлардан фойдаланмоқда. Шунинг учун бу ширкатларнинг эмас, яшовчиларнинг қарзи, уларни суд орқали бўлса-да ундириш керак. Ахир халқимизда «Ҳисобли дўст айрилмас» деган доно нақл бор. Нима учун сиз билан ёнма-ён яшаган қўшнингиз хизмат ҳақларини тўлаши керакку, сиз ундан бепул фойдаланасиз?! Яна шуни ҳам айтиш лозимки, айрим ширкатларда фойдаланиш харажатлари тарифи 60 фоизга оширилди. Шунга қарамай харажатлар қопланмаяпти, ширкатларда йиғилган пул ходимларининг иш ҳақига етяпти, холос. Шу боисдан ҳам буюртмаларни бажаришга маблағ етишмаяпти. Газ, электр энергияси ҳақлари, қурилиш материаллари нархи ҳам бир неча марта ошиб кетди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2000 йилда ижара корхоналари (ЖЭК)ларда 7,5 минг нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб шуларнинг 1105 нафари, яъни 15 фоизини идора ходимлари ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб ширкатларда 9400 нафар ишчи-хизматчи бор ва уларнинг 2300 нафари, 32 фоизи идора ходимларидир. Албатта, иозҳа ҳожат бўлмаса керак.

Яна шуни ҳам айтиш лозимки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма нарса маблағга бориб тақалар экан, хонадон эгалари ҳам намунали коммунал хизмати учун шароит яратишда камарбаста бўлишлари, яъни тўловларни вақтида амалга оширишлари, ўз мулклари саналмиш уй-жойларни сақлашда, авайлаб-асрашда муносиб ҳисса қўшишлари лозим.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

Бектемир туманида фаолият кўрсатаётган «Ёрбек» уй-жой мулкдорлари ширкатида қишга пухта тайёргарлик кўрилди.

СУРАТДА: пайвандчилар Асқар Аҳмедов ва Нурғали Эрназаровлар ишда фаоллик кўрсатишмоқда.

Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

ШИРКАТЛАРДА

Ўз ўрнини топмоқда

Бугунги кунда шаҳримизда 393 та уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият кўрсатаётган бўлса, улар орасида ўз ўрнига эга бўлиб, яшовчилар ишончини қозонаётганлари сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Акмал Икромов туманининг 12-мавзесида иш олиб бораётган «Икромов» уй-жой мулкдорлари ширкати ана шундайлар сирасидан ўрин олган. Чунки ширкат ходимлари нафақат ўзларининг тез ва соз намунали хизматлари, балки ҳар бир хонадон эгаси билан тил топиша олиши эвазига ҳам олқишга сазовор бўлишяпти, ишлари аҳолига манзур бўлмоқда.

— Ширкатимиз 1999 йилнинг 1 ноябрида ташкил этилган, — дейди ширкат бошқаруви раиси Насриддин Шерматов. — Бугуни кунда биз 1866 хонадонни ўз ичига олган 31 та кўп қаватли турар жой биноларига хизмат кўрсатаяпмиз. Ўтган уч йил давомида анчагина ишларни амалга оширишга ҳаракат қилдик. 2 та тўққиз қаватли ва 1 та тўрт қаватли уй тўла таъмирдан чиқарилди ва ушбу турар жойларда яшовчиларга қулай шароитлар яратилди. Саранжом-саришталиқни сақлаш, озодалик ўрнатиш мақсадида қўриқланадиган чиқиндилар майдончасини қурдик, йўлакларда жорий таъмирлаш ишларини амалга оширдик. Уй бошқарувчилари ҳамда Алишер Навоий номли маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда ишлаганимиз натижасида қарзлардан қутулдик. Ҳар бир мунозарали саволларни ўз вақтида ечишда, муаммоларни ҳал этишда ҳам улар бизга ёрдам беришмоқда. Барча ширкатлар қатори ўз олдимизга аҳолига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатишни мақсад қилиб қўйганмиз ва уни, албатта амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун ҳар бир буюртмани эътиборга олиб, режали равишда ишни ташкил этаяпмиз.

Ширкат ходимлари яшовчилар билан биргаликда ўз олдиларига анчагина вазифаларни бажариш режасини қўйган. Буларнинг барчасини амалга оширишга эришиш учун эса ишни тўғри ташкил этиш лозим. Қиш мавсумига тайёргарлик ҳам ўз вақтида адо этилди, ертўлалардаги носоз қувурлар таъмирланди, таъмирталаб томлар ёпилди, уй атрофлари, эшик-дераза-лар тартибга келтирилди. Шуниси қувонарлики, бу юмушларда нафақат ширкат ходимлари, балки яшовчиларнинг ўзлари ҳам фаоллик кўрсатишмоқда, уйга эгалик ҳиссини яхши англашмоқда. Бундай ҳамжиҳатлик эса яшовчиларни ва ширкат ходимларини фақат бир-бирига яқинлаштириб қолмай, муаммоларнинг тез ва соз ечилишида муҳим ҳисса бўляпти.

Ширкат фақатгина буюртмаларни бажарибгина қолмай, хонадонда яшовчилар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туришга, болалар, ўсмирлар ва ёшларга шароитлар яратишга ҳам эътибор қаратган. Яна шуни ҳам айтиш керакки, ушбу ширкат туманда ўз фаолияти давомида ҳали бирон марта ҳам сервис хизматлари тарифини оширмаган ягона ширкат ҳисобланади.

Ширкатда нимаики иш амалга оширилаётган бўлса, бунинг барчаси одамларга, хонадонлар аҳлига яхши шароит яратишга қаратилган. Бу эса ўз самарасини бериб, эл ишончини қозонишда муҳим омил бўляпти.

Шарофат БАҲРОМОВА

ЭЪЗОЗДАГИ АЁЛ

Инсон умрини бир ниҳолга ўхшатаман. Ниҳол дастлаб ерга қадалган пайтда қанчалар ожиз, меҳр-мурувватга муҳтож бўлса, орадан бир муддат ўтгач, у илдизларини заминга маҳкамроқ қадайди ва Бобо Қуёшга қараб юксаклик сари бўй чўзади. У энди бакувват Дарахтга айланади.

Таъбир жоиз бўлса, олима Эътиборхон ая Иброҳимова ҳам ана шундай чинор каби бақувват инсонлардан саналади. Эътиборхон ая айни кунда қарилик гаштини суриб, набиралари бағрида осойишта яшамоқда. Уни ўзи ўқитган талабалари — олий ўқув юрти мударрислари, ҳамкасабалари тез-тез йўқлаб туришади, маслаҳатлар сўрашади. Ая ҳалол меҳнати ва яхшилиги оқибатсиз қолмаганидан суюнади, улардан ҳеч ёрдамини аямайди. Одатда шундай суҳбатлардан сўнг у ўтган умр дафтарини хотирасида бир-бир варақлайди.

...Куни кеча эди олий ўқув юртини тугаллагани, аспирантурада таҳсил кўриб, теран шоира Увайсий — Жаҳон Отин ижодини ўрганишни бошлаганлари. Ғоят қимматли илмий фактларга бой бўлган «Увайсий ҳаёти ва ижоди» номзодлик диссертациясини илм алломалари катта қизиқиш, хушнудлик билан кутиб олгандилар. Ходи Зариф, Азиз Қаюмов, Музайяна Алавия, Абдурашид Абдуғафуров, Абдуқодир Ҳайитметов каби таниқли, йирик олимлар назаридан ўтиши осон гап эмас эди, албатта. Бунинг устига ораларида бутун бир асрлар кечган, ҳали ҳеч қайси олим томонидан бу қадар чуқур ўрганилмаган илмий иш чинакам меҳнат ва изланиш самараси эди. Лекин аёл қалбини, энг аввало, аёл сифатида ҳис этиш бу икки дунё ўртасидаги асрлар фарқини яқинлаштирди.

Тиниб-тинчимас олима кейин ҳам шоира Увайсий ижоди ва фаолияти бўйича илмий изланишларини давом эттирди. Шоира бисотини бобма-боб ўрганиш, тарихий қатламларини очиб, унга ҳаёт бахш этиш, ҳар бир сўз, ҳар бир ҳарф устида бош қотириш сингари жиддий меҳнат олимага шуҳрат келтирди. Бу борада илмий иш раҳбари Азиз Қаюмов билан биргаликда нашр этилган Увайсий «Девони», «Увайсий» деб номланувчи монография, шунингдек Ўзбекистон Фанлар Академияси томонидан нашр этилган 5 томлик «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг 4-томи муаллифларидан бири эканлиги олима саъй-ҳаракатларининг махсулидир.

Эътиборхон Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлар экан Ҳофиз, Бедил, Машраб, Навоийдан тортиб, Абдулла Қодирийгача бўлган ноёб санъаткорлар оламидан баҳраманд бўлди, барча кечинмалари, изланиш ва интилишлари мақола ва китобларга айланди.

У қаерда бўлмасин давраларга илму ҳикматлар тўла байтлар билан файз бахш этади, мумтоз адабиётимиз дурдоналарини тарғиб этади.

— Сиз аввало аёлсиз, онасиз. Айни кунда қарилик гаштини сураётган бўлсангизда, ҳамон қўлингиздан китоб тушмайди, тунлари бедор бўлиб мумтоз адабиётимиз дурдоналари — ғазаллар дунёсига шўнғийсиз. Айтинг-чи, аёл бахти нимада?

— Жамиятда, қолаверса, касбдошлари орасида ўз ўрнига эга бўлиш, оиласи, фарзандларини бахтли кўриш, олдига қўйган режаларини имкон даражасида амалга ошира олиш, оилавий тотувлик аёлнинг бахти деб биламан.

— Элимизда «Қайнонали келин— қарқара келин» деган нақл юради. Қайнона билан келин ўртасидаги тушунмовчиликлар орқасидан кўплаб оилалар жабр кўраяпти. Бу тўғрида сиз нима дейсиз?

— Оилада улуғ ёшли инсонларнинг бўлиши ёшларга омад келтиради деб ўйлайман. Ёш ҳар ҳолда ёш-да. Айниқса келинлик даври анча мураккаб кечади. Қайнонанинг қалбини, ўгитларини тўғри тушуна олган келин менимча ҳаётда қоқилмайди. Чунки қайнона аввало ёши улуғ, ҳаётий тажрибага эга, қолаверса, ўз фарзанди ортидан келган келинига ёмонликни раво кўрмайди. Ҳар бир келин шуни тўғри тушуна олиши керак.

Бутун умрим давомида ҳалолликка интилдим, меҳнат қилишдан нолимадим, оилам ва фарзандларим, дўстларим ва касбдошларимга содиқ бўлдим, яқинларим ҳамда дўстларимнинг омадларидан суюндим. Фарзандларимга ҳам шуларни ўргатдим. Ҳар бир инсон орзу-ниятларига эришсин. Орзу-ниятларга эришмоқ инсон учун энг катта бахтдир!

Маъпура НАБИЕВА

Оз=оз ўрганиб доно бўлур...

● Ҳар ким ақл-идрокка эга бўлиб, илму ҳунар ўрганишга интилса у ўз орзусига етади.

● Истеъдод, ақл-идрок эса икки хилдир: бири — табиий, яъни онадан туғма бўлиб, иккинчиси — касбий, яъни тажриба воситаси билан эришилган бўлади.

● Дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса бордир: ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат. Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ — ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат — ақлга; ҳаё, олийжаноблик, ўзини қўлга олмоқ ва ўзининг ҳақ-ҳуқуқини билмоқ — қаноатга; тўғрилик, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши ҳосиятли бўлмоқ — адолатга тегишлидир.

ҲИКОЯТ. Ҳимматли ва мурувватли бир одам ўз боғига ёру дўстларини даъват қилиб зиёфат берди. У кишининг гўзал, ахлоқли, тарбияли бир ўғли бор эди. У кечгача меҳмонлар хизматида бўлиб, жуда чарчади. Кечқурун уйга кириб ухлаб, дам олиш учун болохонага чиққан эди, у ердан пастга йиқилиб тушиб дарҳол вафот қилди. Ота бечора бу қайғули ҳолни кўриб, юрак-бағри эзилди, кўзига ёш олиб, ўғлига келган фалокатни хотинига ва оила аъзоларига секингина хабар бериб:

— Ҳеч қайсингиз товуш чиқариб йиғламанг, ўғлимнинг вафот қилганини меҳмонлар сезмасин, — деб таъкидлади.

Меҳмонларга сездирмасдан марҳум ўғлини ювдириб, кафанлатиб қўйди. Кейин меҳмонлар ёнига чиқиб, улар билан суҳбатлашиб ўтирди. Ўғлининг вафотидан меҳмонлар хабарсиз эдилар. «Ўғлингиз қаерда, нега кўринмайди?» деб сўрадилар. Ота бечора: «Ўғлим хизмат қилиб, жуда чарчаган бўлса керак, мириқиб ухлаб ётибди», деб жавоб берди. Ўша куни кечаси меҳмонлар мурувватли кишининг боғида тунадилар. Эртаси кун эрталаб чойдан сўнг улар кетишга рухсат сўраган эдилар, ота бечора кўзига ёш олиб:

— Дўстларим, ўғлим кеча кечқурун болохонадан йиқилиб вафот қилди, кайфиятингизни бузмаслик учун сизларга хабар бермадим, — ўғлимнинг жанозасида сизларнинг ҳам иштирок этишингизни ўтинаман, — деди.

Меҳмонлар бу фожиали ҳолдан хабардор бўлиб ҳаммалари йиғладилар, дарҳол ўринларидан туриб у кишига қарашдилар.

Байт:

Адаб бозорига кирсанг баякбор,
Энг яхши хулқ учун бўлгин харидор.
Адаб бўлса сенинг аввал сўроғинг,
Тамомий илм ила тўлғай қулоғинг.

● Яхшилик қўлингдан келмаса, ёмонлик қилишдан сақлан.

● Сукут — саломатликни, яхшилик — иззат ва обрўни, сахийлик — улуғликни келтиради.

● Ота-она болани дунёга келтирганликлари учун эмас, уни одобли, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учун олқишга сазовор бўладилар.

● Олимлардан Рифъат ибн Исмоил айтади:

— Болаларингизни чет кишилар ёнида уришиб, таъзирини берманг, меҳмондорчиликка чақирсалар, болаларингизни бирга олиб борманг. Уйингизга меҳмонлар келса, ёш болаларингизни улар ёнида ўтказиб, дастурхонга қўл узаттирманг, чет кишилар ёнида оилангиздан шикоят қилманг. Мунофиқона равишда бошқаларни камситиб, сизнинг ақл ва ҳаракатингизни мақтаган риёкор мунофиқларнинг сўзларига учманг. Болаларингизга бирор хизмат буюрар экансиз, яхши сўзлар айтиб, мулойимлик билан буюринг. Мағрур, мутакаббир ва аччиқ сўзли бўлманг. Оилангиз ва дўстларингизга ўзингизни севдиринг.

Байт:

Ота-онангни ўзингдан рози қил,
Сен уларнинг қадрини кўп яхши бил.
Ол дуосин уларнинг, топ камол,
Ёр бўлғай бахти иқбол безавол.

● Маданиятли оилада ўсган бола гўзал сифатга эга бўлади.

ҲИКОЯТ. Бир куни Бағдод шаҳри кўчаларининг бирида болалар ўйин билан машғул эдилар. Тасодифан халқ қошида обрў ва эътиборга эга бўлган бир қари одам отга миниб, ўша кўчадан ўта бошлади. Ўйнаб турган болалардан бири чолнинг келаётганини кўриб, четроқ жойга чиқиб турди. Қари киши етиб келгач, қўл қовуштириб салом берди. Бошқа болалар эса чолга эътибор бермай ўйинда машғул бўлдилар.

Чол бу боланинг оқилона ҳаракатидан завқланди. У болаларнинг одобини синаш учун улар ёнига келиб қўлидаги узукни уларнинг ўртасига ташлади.

— Қайси бирингиз узугимни қўлимга олиб берсангиз, китоб-дафтар олиш учун пул бераман, — деди.

Болалар бир-бирларига билан уришиб узукка ёпирилдилар. Ниҳоят, бир бола чаққонлик билан узукни олиб чолнинг қўлига берди. Салом берган бола эса узукни олиш учун қилган ҳаракатларга қўшилмай ўз жойида турарди. Чол у боланинг ҳолига диққат қилиб турарди. Бу дафъа узукни унинг ёнига ташлади. Бола дарҳол узукни ердан олиб артди. Чолга таъзим қилиб унинг қўлига берди. Чол у боланинг одоб, тарбиясидан завқ-шавққа тўлиб, таҳсин-офарин айтди. Кейин ёнидан пул чиқариб, болаларга:

— Хайр, болаларим, энди мен кетаман. Мана бу пулларга китоб, дафтар, қалам олинг, — деб пулни ҳалиги одобли боланинг қўлига берди.

Байт:

Ҳар кишининг дунёда ороми жони — тарбият,
Бахту иқболу саодатнинг макони — тарбият.
Эй оталар, жонларингиздан азиз фарзандингиз,
Ғайрат айланг ўтмасин вақту замони тарбият.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомашиналар кўчаларимиз ҳуснига янада кўрк бағишламоқда. Сергей Любчич олган сурат.

Ибратли ташаббус

Атроф-муҳит муҳофазаси ва унга ёшларимизни жалб қилиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ҳамза туман бўлими ҳамда «Экосан» жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Экология ва ёшлар» деб номланди.

152-мактабда ёшлар ўртасида ўтказилган ушбу тадбирда туман «Экосан» жамғармаси бўлими раҳбари Жамила Бегматова табиат, экология, уни асраб-авайлаш ҳақида ўқувчиларга гапириб ўтди.

Шунингдек, ёшлар ўзларининг экологияга бағишланган кўргазмали чиқишларини намойиш этишиб, ўз уйи, маҳалласи, тумани, шаҳри ҳамда Ватани атроф-муҳитини кўз қорачиғидек асраб-авайлашларини ўзлари тайёрлашган расм кўргазмаларида яна бир бор акс эттиришди.

— Табиат, экология ва унга хавф солувчи айрим ножўя ҳаракатларнинг олдини олиш ҳамда ёшларимизга ҳам буни тушунтириш мақсадида ўтказилган ушбу тадбир ўқувчиларга катта сабоқ бўлиши табиий, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими раиси Камолиддин Бердиев. — Бундай ибратли тадбирларни туманимизнинг барча мактабларида ўтказишни режалаштирдик.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Фикрлашиб олинди

Кейинги йилларда тиббиёт соҳасининг замонавий тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар билан бойитилиши ҳисобига кўпгина хасталикларга тўғри ташхис қўйиш, даволаш ишлари бирмунча яхшиланганлиги сир эмас. Аммо халқ табобатчилигига ҳам талаб ва эҳтиёж мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлинса ушбу соҳани такомиллаштириш зарурлиги намоён бўлади.

Куни кеча Республика кўзи ожизлар жамиятининг Чилонзор тумани бўлими маданият саройида мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятидан ташриф буюрган табиблар иштирокида анжуман ўтказилди. Унда иштирок этганлар Ўзбекистон Республикаси халқ табобатчилари уюшмасини ташкил этишга келишиб олдилар. Шунингдек анжуман қатнашчилари ташкил этилаётган уюшманинг Низоми ҳамда келгуси иш режалари ҳақида фикрлашиб олишди.

(Ўз мухбиримиз)

Юнусобод Оқтепаси

Қадимий Тошкентнинг Себзор даҳасига қарашли мавзелардан бири Юнусобод ва унинг яқинидаги Оқтепа ёдгорлиги (илгари бу жой Мис сандиқли Кўрғонча деб ҳам аталган) тошкентликларнинг Кўқон хони қўшинлари билан қилган жангларидан дарак берувчи тилсиз гувоҳлар бўлиб турибди...

Ҳозир бу жойлар Юнусобод Оқтепаси деб аталади. Ёдгорликнинг бундай номланишининг ўз тарихи бор. XIX асрнинг 50-йилларида Тахтапул маҳаллалик Юнусхон (ҳозирги Юнусобод, Чоштепа, Оқтепа деб номланувчи жойларда) бўш ётган бўз ерларни ободонлаштириш ишларини бошлаб, юборади. Юнусхожи обод қилиб сув чиқарган ерларида катта-катта токзор ва мевали боғлар барпо қилади, салобатли қўрғонлар, карвонсаройлар қурдиради. Оқтепа ариғи (олдинги Алвасти кўприк, Ғиштхумдон, ҳозирги Шаҳристон) кенгайтирилиб бутун қишлоқ ерлари сув билан таъминланган. Ҳозирги Чимкент йўлидаги Юнусобод деб номланган жой, шу жумладан археология ёдгорлигининг Юнусобод Оқтепаси деб номланиши Юнусхожидан ёдгорлик бўлиб қолган.

Бу кўҳна обида Тошкентнинг ўтмишига оид ёдгорликлардан бири ҳисобланади. V асрда бу ерда ўз даврига монанд қалъа-шаҳар қад ростлаган. У асосан пахса ва хом ғиштдан тикланган. Деворлари сопол плиталар билан безатилган. Марказий қароргоҳ мудофаа иншоотлари ва ҳарбий мезаналар воситасида мустаҳкамланиб, тевараки атрофи сув тўлдирилган ҳандақлар билан ўраб олинган. Шаҳарчада ҳунармандчилик, меъморчилик ва боғдорчилик ривожланган. Аҳолининг аксарият қисми меҳнат ва жанг қуроллари ишлаб чиқариш ҳамда савдо-сотиқ билан шуғулланган.

Ёдгорликни қазиш ишлари уруш йилларидаёқ (1941) бошланган. Бу тарихий ёдгорлик қадимги Чочнинг илгари маълум бўлмаган саҳифаларини очиб берди. Қазишмалар пайтида Чочнинг илк ўрта асрга оид турли моддий-маданий буюмлари — металлдан ишланган меҳнат қуроллари ва қурол-аслаҳалар, шиша ва сопол идиш-товоқлар, безаклар, ўйинчоқлар, тангалар топилган.

Арк пештоқи ва минора панжарасини безаб турган архитектура деталлари — сопол кунгуралари, нақшинкор безак парчалари ҳам топилган. Тангалар, кучли ёнғин излари ва бошқа нарсаларга қараганда арк 8-аср чорагида араб халифалигининг Чочга қилган истилоси вақтида вайрон бўлган. Арк атрофидаги қишлоқ азалдан мудофаа девори билан ўралмаганлиги учун шаҳарга айланиб улгурмасдан ҳалокатга учраган. Шаҳар харобаси ўрнида ҳаёт VIII-асрнинг иккинчи ярмида қайта жонланган. IX-XII асрларда у Бинкат вилоятининг мустаҳкамланмаган қишлоқларидан бири бўлиб мўғул босқини туфайли XIII асрда инқирозга учраган.

Кейинги юз йилликларда эса табиий кучлар таъсирида батамом нураб, ўн икки тепаликдан иборат харобазорга айланади. Шунга қарамай ўз тарихий-маданий аҳамиятини йўқотмайди. Зеро, Оқтепа ва ундан топилган қазилма ёдгорликларнинг қадр-қимматини ҳеч қандай бойликка тенглаштириб бўлмайди.

Мустабид тузум кулфатидан Оқтепа ҳам бебаҳра қолмади. Уни табиий сақлаб қолишга ҳеч қандай эътибор берилмади. Аксинча 1966 йилда Тошкент зилзиласидан кейин унга тегишли майдоннинг бир чеккаси шаҳар чиқиндихонасига айлантирилди. Рост, бу ёдгорликни сақлаб қолишга бир-икки уриниш ҳам бўлди. Тегишли қарор қабул қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Чунончи Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан у юбилей иншоотлари сирасига киритилди. Таассуфки, эзгу мақсадлар йўлида бошланган иш ўлда-жўлда қолиб кетди. Ҳозирги пайтда «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан ёдгорлик атрофида ободонлаштириш, қадимий Ҳасанариқни тиклаш, айланма ва сўқмоқ йўлларни қуриш, ахлатхоналарни йўқотиш каби бир қанча ишлар амалга оширилиб, бу кўҳна замин тупроғида мевазор боғлар яратила бошланди.

Ҳар ҳолда олдинда қилинадиган ишлар кўлами кенг. Республикамиз археологик ёдгорликларга бойлиги жиҳатидан биринчи ўринда туради. Жумладан, Юнусобод Оқтепасининг қазилмалар кўлами кенглиги ҳамда маданий-маърифий ва тарихий жиҳатдан аҳамияти беқиёсдир.

Абдулазиз МУҲАММАДКАРИМОВ,
Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси.

Ўзбекистонимиз мустақиллиги миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга, унга холисона фикр билдиришга катта имкониятлар яратди, ёдгорликларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни ўрганишга шароит туғдирди.

Адабиёт ва ҳуқуқий тарбия

Маданий меросимизни, ўтмиш қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш ҳозирги миллий маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларининг шаклланиш босқичлари ва хусусиятларини очиб бериш учун зарурдир. Бу эса ўз навбатида миллий онг, миллий ғурур, тарихимиз, ўтмиш авлодлар хизматига ҳурмат-эътиборни, Ватанга севги туйғусини шакллантириш, янги жамиятимизнинг тўғри ривожини, келажагини оқилона белгилаш, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш учун хизмат қилади.

Ўзбек халқи қадимий ва бой маданиятга эга бўлган халқлардан биридир. У жаҳон илм-фани, санъати ва адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди, буюк олимларни, санъаткорларни ва ёзувчиларни етиштирди, бошқа халқлар билан яқиндан маданий алоқада бўлди.

Ўзбек халқи маънавий маданиятининг катта ва ажралмас бир қисми ўзбек адабиётидир. Ўзбек адабиёти энг қадимий ва бой адабиётлардан биридир. Бизгача етиб келган кўп сонли ноёб обидалар бизнинг миллий ифтихоримиздир. Аждодларимиз кураши ва эзгу ниятларини бизга етказган бадиий ёдномалар бугун ҳам маданий-маънавий камолотимиз учун хизмат қилиши шубҳасиздир. Биз ўз тарихимиздаги барча ҳодисаларни янгича кўз ва соғлом нуқтаи назар билан кўриб чиқмоқдамиз ва баҳоламоқдамиз.

Тошкент Давлат юридик институтининг рус гуруҳларида ўзбек адабиёти фанини ўқитишнинг мақсади ҳам бу янгиланиш сари қўйилаётган қадамлардан биридир.

Дастурда белгиланган талаблардан келиб чиқиб, асосий эътибор энг қадимги даврлардан то XV асрнинг биринчи ярмигача бўлган давр адабий-бадиий ёдгорликларидан, мумтоз адабиётимиз намуналарини ёшларимизга етказишга қаратилган.

Адабиёт — тарихимиздан бизларга етиб келган энг муҳим ахлоқ-одоб ва ҳуқуқий меъёрларни ёшларимизга етказиш имконига эга бўлган ҳуқуқий-тарбиявий воситадир. Халқ оғзаки ижоди, халқ фалсафаси, одобномаси бой ва бетакрор ҳуқуқий тарбия асосларидан озиқланади.

Халқ оғзаки ижоди дурдоналари орасида қонун ва қонунчилик, қонун-қоидаларига амал қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти катта бўлган асарлар кўп учрайди. Халқ асарларининг саҳифалари, халқ тажрибаларининг нодир қайдлари ҳуқуқий тарбияга қаратилган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий тарбиянинг амалга оширилишини кузатар экансиз, қадимий ва ҳаётбахш удумлар, расм-русумлару маросимлар, анъаналаримизнинг чашмасидан баҳраманд бўлганлигини, ахлоқий, руҳий, ҳуқуқий-тарбиявий воситалардан таъсирланганлигини кузатишимиз мумкин.

Истиқлолимиз барча соҳалардаги миллий қадриятларимизни, бутун маънавий хазинамизни қайта тиклаш имкониятини берди. Бу мулоҳазалар ўзбек адабиёти ва унинг моҳияти ҳақида ҳам эркин, тарихни бузмай фикр юритиш имкониятини берди.

Гулчеҳра АЛИЕВА,
Тошкент Давлат юридик институтининг катта ўқитувчиси.

ХОСИЯТЛАР ХАЗИНАСИ

Маълумки, ўлкамизда куз фасли серхосиятли неъматларини дастурхонга тортиқ этган палла ҳисобланади. Қовоқ ҳам шундай неъматлар қаторига киради. Қовоқ деганда кўзимиз олдига тандир оташидан узиб олинган пўрсилдоқ, лаззатли сомса ёки қасқондаги буғи ўрлаган сўлқилдоқ мантилар намоён бўлиши турган гап. Аслида қовоқ асосида тайёрланувчи ўнларча лаззатли таомларнинг шифобахш хусусиятларини барча бирдай билмаса керак.

Қовоқнинг шифобахш тарафлари қадимдан маълум бўлиб, у халқ табобати амалиётида атрофлича фойдаланилади. Чунончи, қовоқдан тайёрланган қайнатма кўкрак оғриганида, қуруқ изтиробли йўталда тавсия этилади, мевасининг гўштли қисмини сувда пиширгач сариқ касалида, буйрак, қовуқ, истисқо касалликларида пешоб ҳайдовчи омил сифатида тавсия этилади. Қовоқ шарбати териси яллиғланган кишиларга суртилади. Меванинг юмшоқ қисми эзиб, темиратки устига боғланса, бу дарддан ҳоли қилишга ёрдам беради.

Ўз даврида тиббиёт илмининг билимдони Абу Али ибн Сино қовоқнинг хосиятлилиги борасида шундай деган эди: «...Қовоқнинг пиширилгани енгил овқат бўлиб (ичак орқали) тезда ўтиб кетади... Пиширилган қовоқ иссиқ йўтал ва кўкрак оғриқларида фойдалидир... Унинг ширасидан, айниқса қизил гул ёғи билан қўшиб (ишлатилганда) иситилса, қулоқ оғригини босади ва мия шишларида, сарамасга ва томоқ оғриқларида фойда қилади». Ибн Сино булардан ташқари, қовоқнинг кўрда кўмиб пиширилганини қанд билан аралаштириб, ични юмшатиш учун истеъмол этиш мумкинлигини кўрсатади. Шунингдек, у қовоқ ширасидан томоқ оғригини ва мия касалликларини даволашда фойдаланган.

«Маҳзан-ул-адвия» («Даволар хазинаси») китобида қовоқнинг ниҳоятда шифобахш хосиятлари ҳақида кўплаб маълумотлар берилади. Унда ёзилишича, қовоқнинг ўртача ўлчовдагиси, оқ, ширин этлилиги энг яхши ҳисобланади. Қовоқ тиқилмаларни очади, пешоб ҳайдаш хусусиятига эга, ичакни юмшатади, сариқ касалига даво бўлиб, ўткир кўринишдаги безгакка эмлик қилади.

Қовоқни гўшт билан биргаликда таом тайёрлаб истеъмол этилса, у аъзоларга енгил сингийди. Қовоқни мош ва нўхат билан бирга шўрваси тайёрланса, унда бу таом изтиробли йўталга даво бўлади, жигарга ижобий таъсир кўрсатади, безгак ҳароратига эмлик қилади.

Қовоқнинг барча навлари сафроси ва қони ошиб кетган иссиқ мижозли кишилар учун фойдалидир. Совуқ мижозли кишилар қовоқни саримсоқ, хантал, қалампир, туз билангина истеъмол қилиши мумкин.

Қовоқдан тайёрланган мураббо (шакар ёки табиий асал билан) мияни пешлайди, яхши қонни таркиб топишига омилкорлик қилади, дардларни қувади, аъзоларга осон сингийди. Табиати совуқ мижозли кишиларга шакарлигига нисбатан асалли мураббо фойдалироқ бўлади.

Қовоқнинг хосиятларини санаб интиҳосига етиш қийин. Ўрта Осиёнинг халқлари кўҳна замонлардан қовоқ пўстлоқлари қайнатмаси билан тери касалликларини даволашган. Қовоқ этининг эзилгани тери яллиғланганида, гуш (экзема)да, куйганда ва совуқ урганда ишлатилувчи синалган амаллардан ҳисобланади (А. Олтмишев, 1976),.

Шарқ халқлари табобатида қовоқни кўрга кўмиб пиширгач, кўл ва оёқларнинг қақшаб оғриган жойларига босиш тавсия этилади. Унинг гўштли қисмини куйдириб, ўсимлик ёғи билан аралаштириб, битмаган яраларга малҳам қилинади.

Қовоқ уруғ мағизларидан тайёрланган «сут» билан қовоқ шарбати буйрак оғриғини қолдириб, қовуқ оғриғи ва қовуқнинг яллиғланиши (цистит)га даво бўлиши ҳақида маълумотлар мавжуд.

Қовоқ уруғларининг мағизи гижжа тушурувчи беозор омил эканлиги азалдан маълум. Бунинг учун қовоқ уруғини истеъмол этиш тавсия этилади. Авваллига қовоқ уруғининг пўстлоқлари ажратилиб (ичидаги кўкимтир мағиз пардаси сақланган бўлиши керак) 300 грамми ҳовончада янчилади. Янчиш жараёнида 10-15 томчидан сув қўшилади. Сув миқдори 50 граммдан ошмаслиги керак. 1 ош қошиқ асал ёки мураббо ҳам қўшиш мумкин. Аралашма тайёр бўлгач, наҳорга 1 чой қошиқ едирилади. Уч соатдан сўнг беморга сурги дориси берилади.

Ҳозирги замон тиббиётида ҳам қовоқли муолажа ва даволар алоҳида ўрин тутади. Қовоқнинг этли қисмида салмоқли миқдорда пектин моддаси бўлганлиги туфайли, уни атеросклероз хасталиги билан оғриган беморлар, шунингдек ичакнинг тўлқинсимон ҳаракатини уйғунлаштиргани учун уни меъда-ичак касалликлари билан оғриган кишиларга тавсия этилади. Юрак-қон томир касалликлари асорати ҳисобланмиш салқиш рўй берганида пешоб ҳайдовчи саналган беозор даво сифатида ҳам истеъмол қилиш тавсия этилади.

Қовоқнинг эти гуруч, буғдой ёки манна бўтқаси билан тайёрлангани ва уларни саримой ва шакар билан аралаштирилгани юқорида зикр этилган хасталикларга пором келувчи манба ҳисобланади. Қовоқ таркибида жуда кўп дармондорилар мужассам бўлганлиги туфайли, сариқ касалини бошидан кечирган кишиларга парҳез таом сифатида берилади. Ҳа, қовоқни саломатлик ёмбиси деб бекорга айтмайдилар.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим.

Маълумки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Юртбошимиз мамлакатимиз ва жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш йўлидаги ҳаракатларни янги босқичга кўтаришнинг устувор йўналишларнинг бири сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш кераклигини таъкидлаган эдилар.

Очиқ мулоқот тарзида ўтди

Собир Раҳимов туман ҳокимлигида туман фаоллари ва «Оқшом» газеталари ижодкорларининг ҳамкорликгида уюштирилган учрашув Олий Мажлис сессиясида белгиланган устувор йўналишларини амалга ошириш борасидаги вазифаларга бағишланди. Очиқ мулоқот, қизиқарли савол-жавоблар тарзида ўтган тадбирни очар экан туман ҳокими, туман Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси Атҳамжон Миржалилов оммавий ахборот воситалари ходимлари кўпроқ маҳаллаларда, корхоналар, муассасаларда, яъни қайноқ ҳаёт ичида бўлсалар, кишилар фикрини ўргансалар, оддий, лекин фидойи ва заҳматкаш инсонлар тақдири тўғрисида кўпроқ ёзсалар мақсадга мувофиқ бўлиши хусусида сўз юритди.

«Оқшом» газеталарининг муҳаррири, шаҳар кенгаши депутати Акмал Акромов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги Юртбошимиз маърузаларида кўрсатилган устувор йўналишлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, «Оқшом» газеталарида эълон қилинган устувор йўналишлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, «Оқшом» саҳифаларида касб-хунар коллежлари фаолияти ёритилиб, ёшларга йўлланмалар бериб турилса, болалар тарбиясига оид махсус рукн очилса, ёш оилаларга ўгитлар ташкил қилинса, XXI аср табоси бўлмиш ОИТС ва гиёвандликнинг олдини олиш мавзусига кўпроқ аҳамият қаратилса, таниқли ёзувчи ва шоирларни таҳририятга кенгроқ жалб этиб, миллатни ривожлантириш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари чоп этилса каби қизиқарли таклифларини билдирдилар. Албатта, таҳририят ижодий жамоаси ушбу фикр-мулоҳаза ва таклифларни инобатга олиб, келгусида юқоридаги мавзуларга кўпроқ аҳамият қаратади. Туманлар фаоллари ва «Оқшом» газеталари ижодкорларининг бундай юзма-юз мулоқотлари барча туманларда давом этади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов туман ҳокимлигида бўлиб ўтган мулоқотдан лавҳалар.
Сергей Любчич олган суратлар.

БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР МУҲАЙЁ

Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган сўзларининг амалдаги татбиғини ҳозирги кунда ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида кўрмоқдамиз десак янглишмаймиз. Зеро, бугунги кунда ёшларимизга, хоҳ таълим, хоҳ санъат, хоҳ спорт соҳасида бўлсин улкан имкониятлар яратилган.

Куни кеча

Шайхонтоҳур туманида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси қошида ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва ҳарбий санъат махсус синфларининг очилиш маросими бўлиб ўтганлиги ҳам фикримиз далилидир. Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан келишувга асосан 5, 6-махсус синфларга юзта ўқувчи қабул қилинди.

— Тошкент шаҳри ва вилоятидаги мактабларда ўқиётган болалар орасидан энг иқтидорлиларини тиббий кўрикдан ўтказган, жисмоний тарбиядан имтиҳон олган ҳолда она тили, математика ва психология фанларидан тест синовлари орқали махсус синфларга қабул қилдик, — дейди «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси бошлиғи, ички хизмат подполковниги Абдусалом ака Исахўжаев. — Мактабимизда болаларга тарих, ҳуқуқшунослик, инглиз тили, компьютер сабоқлари, ҳарбий билимлар чуқур ўқитилади. «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида спорт билан бемалол шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилади. Ушбу синфларни очишдан мақсад эса Ватанни севувчи ва уни ҳимоя қилишга қодир, ҳар томонлама камол топган етук ва мард йигитларни тарбиялаб вояга етказишдир. Улар ўқишни битирганларидан сўнг ҳарбий билим юртлари, Ички ишлар вазирлиги академиясига кириб сабоқларини давом эттиришлари мумкин бўлади.

Дарҳақиқат, махсус синфлар билан танишар эканмиз ажойиб жиҳозланган, замонавий а инглиз тили, лингафон, компьютер, маънавият ва маърифат хоналари жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада эканлигига амин бўлдик. Ҳовлида эса ҳатто жонли бурчак ҳам ташкил қилинибди. Келгусида ушбу маскан махсус мактаб-интернат мақомига эга бўлади. Махсус кийимлар ярашиб турган, сафда шаҳдам қадам ташлаётган ўғлонларни кўриб эса беихтиёр ҳавасингиз келади.

— Ёшликдан зобит бўлишни, Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асрашни орзу қилардим,

— дейди биз билан суҳбатда Мирзо Улуғбек туманидаги 308-мактабнинг 5-синфида таълим олган, махсус синфларнинг илк қалдирғочларидан бири Жамшид Иноғомжонов. — Келгусида замонавий билимларни эгаллаб юртимизга содиқ ўғлон бўлиш учун бор куч-маҳоратимни сарфлайман.

Ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва ҳарбий санъат махсус синфларининг очилишига бағишланган маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаев, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, ота-оналар номидан меҳнат фахрийси Анвар Йўлдошевлар ушбу мактабдан Ватани, халқига содиқ, баркамол ва талабчан ёшлар етишиб чиқишига ишонч билдиришиб, дастлабки қалдирғочларни чин кўнгилдан қутлашди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: махсус синфларнинг очилиш маросимидан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

НАЗМ

РУБОИЙЛАР

Кеча-кун ёш эдик, оташ мўл экан,
Оташ мўл экану, фикрат ғўр экан.
«Ер шарини ўқидан силкитсак» — дердик.
Вақт бизни силкитса, қувват «нўл» экан.

* * *

Азалдан сув, оташ келишолмас ҳеч.
Бир тан, бир жонликка эришолмас ҳеч.
Тандирга сув сепсанг, оташда фиғон
Кулча нега ширин? ...— билишолмас ҳеч.

* * *

Фиғонлар мехрдир, фиғон муҳаббат
Фиғонлар меҳнатдир, ғайратга рағбат.
Фиғонкор шоир ҳам, олмос омоқдир.
Заранг заминларни шудгорлар фақат

* * *

Эзгу йўлдан юрмоқ, гуноҳ эмасдир
Сергуноҳ шаккоклар, гумроҳ эмасдир
Гумроҳни кечирса бўлар ҳаркалай,
Шаккок пок оқимга ҳамроҳ эмасдир.

* * *

Бева-бечорага бўлайлик даст, биз.
Элга жон бўлмасак ҳеч ким эмасмиз.
Олтин сандиқ ясаб, бисотимизни,
«Маҳшарга жўнатинг» — дея олмасмиз.

* * *

Келдикми, кетмоққа кўнамиз бир кун
Фано уйчасига кўнамиз бир кун.
Нима бўлганда ҳам ҳалол ўтмоқ бахт
Ё осий, ё ғозий бўламиз бир кун.

* * *

Ўргатиб ўйнатди, инсон жонзотни.
Арслондан тортиб, лочин-у, отни.
Ўз нафси жиловга ўрганса эди,
Олам билмас эди қирғинбаротни.

* * *

Бир тан, бир жон бўлсак, ишқга бандамиз.
Ўксук кунларда ҳам, доим ёндамиз.
Умрингни ҳар дамин авайла эй, жон,
Чарҳ шундай, поёнда парокандамиз.

* * *

Чархимиз тинч бўлса, рубоб бўлади,
Бўзангга не хумор, гулоб бўлади.
Умринг кўзасида гар қатра гулоб,
Ичавер, ёр шавқи сероб бўлади.

* * *

Кўрдим, турфа майнинг баланд-пастини.
Соғ руҳга алишмам юз минг мастини
Диёнат қасрига ишлатсак нетар,
Минг бир майхонанинг ускунасини.

* * *

Зулмат ранг эрсада, эрмасада моҳ
Занжи-ки, шаҳд бирла, ўз юртида шоҳ.

Руҳ бирлик этсаким, сочилмагай эл,
Бирликни, қор элаб кўрсатди Оллоҳ.

* * *

Сув бирла ер, руҳ бирла эл бирлашур,
Руҳи бирлар то абадким сирлашур.
Деди: Оллоҳ, беҳисоб юлдузга боқ,
Уммоний бирликка ким ҳам тенглашур.

* * *

Ғаламис, биз сендан тозароқдурмиз
Буғдойранг эрсакда, қалби оқдурмиз.
Бурнингни кўтариб, қошингни керма,
Айбимиз офтобга содикроқдирмиз.

* * *

Ганж дебон, ранж солиб, этса ким ғорат.
Дилин поклигидин бузгай таҳорат.
Ганжи-мулк ипи ҳам, икки учлидир,
Бир учи бахт эрса, бири жароҳат.

* * *

Жон-ки, ширин эркан, ҳуқуқ ҳам ширин.
Заррача қонунда қувват яширин.
Ҳуқуқ мағизининг қуввати виждон,
Виждонсиз топмасмиз, чарҳ-гардун сирин.

* * *

Эй, сен, истаккинам, бўлма кўп кибор.
Оқиб ўтгувчидир, нимаики бор.
Минг йил ўтиб ҳатто, тупроқ остидан, —
Чиқсак, ағёрни ҳам қучардик зор-зор.

Турсун МУҲАММАД

ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ БАРЧА ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ, ИЖАРА ВА ШИРКАТ ТАШКИЛОТЛАР, ШУНИНГДЕК ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. «Тошкент шаҳрида йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси» 2002 йил 12 ва 19 декабрда Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш транспортида хизмат кўрсатиш учун шартномалар тузиш ҳуқуқини олиш учун Тошкент шаҳар, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй манзили бўйича

ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗАДИ.

2. Очиқ тендерда мулкчилик шаклларидан қатъий назар, Тошкент шаҳри ҳудудида рўйхатга олинган, шаҳарда йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин.

3. Очиқ тендерга йўналишларнинг қуйидаги пакети қўйилади:

Ўтказилиш санаси	Маршрут рақами	Йўналишлар
2002 йил 12 декабрь	31	Қорасув — Бўзбозор
	51	СамПИ — Паркент
	92	«Чорсу» меҳмонхонаси — Дўмбробод
	63	Ал-Хоразмий — Аэропорт
	87	Изза даҳаси — Қорақамиш даҳаси
	47	Қўйлиқ— Галабанинг 40 йиллиги даҳаси
	20	Универсам — Паркент бозори
	77	Чорсу — Юнусобод — Учқўрғон
	39м	Сергели — Янгиобод
	44	Чорсу — Белтепа
2002 йил 19 декабрь	71	Фарҳод бозори — Олой бозори
	78	ТТЗ — Кадишев
	33	Чорсу — 8-автобаза
	50	Чорсу — СамПИ
	52	Ибн-Сино даҳаси — Чорсу
	96	Чуқурсой — Келес автостанцияси

Ўтказилиш санаси	Маршрут рақами	Йўналишлар
2002 йил 19 декабрь	32	Чорсу — Бешқайрағоч
	137	ТошГРЭС — Тошқишлоқмаш
	82	Тошкент тиббиёт институти — метронинг Беруний бекати
	80	Чорсу — Янгиобод

4. Очиқ тендерда қатнашишни хоҳловчилар «Тошкент шаҳар транспортининг барча турлари фаолиятини мувофиқлаштириш Маркази»га тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳар, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, 617, 619-хоналар манзили бўйича 2002 йил 2 декабрь соат 16.00 гача кечикмасдан буюртманома бериши керак ва тендер ҳужжатлари пакетининг қийматини ва Тошкент шаҳрида транспорт инфратузилмасининг ягона ахборот-таҳлилий маълумотлар базасини яратиш учун бир марталик бадал қийматини шартнома асосида тўлаш керак.

Буюртманомада Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур.

5. Тендер таклифларини топшириш муддати 2002 йил 15 ноябрдан 2 декабргача.

Тендер таклифларини топширилгандан сўнг қатнашчилар уларга бирон-бир тузатиш киритиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

6. Йўналишларда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш юзасидан тендер ғолиби билан шартнома камида 6 ойга тузилади.

Шартнома бўйича ишларининг барча шартларига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонга мурожаат этинг: 144-14-22.

Илмий-амалий анжуман

Яқинда «Маънавият гулшани» деб номланган қизиқувчилар даврасининг Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ўтказилган «Ҳазрати имом Қаффоли Шоший тарихи» мавзуидаги илмий-амалий анжумани қизиқарли ва сермазмун ўтди.

Маълумки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзтелерадиокомпанияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими, «Тошкент оқшоми» газетаси, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида «Маънавият гулшани» деб номланган қизиқувчилар даврасини ташкил этилган эди. Шу кунгача ушбу давранинг «Мозий сабоси — қалблар садоси» номли адабий-мусиқали доимий амалдаги мулоқот гурунгининг «Тошкентнинг 12 дарвозаси», «Кўҳна Шошнинг ўтмиши», «Хазинабон», «Санъатимиз даҳоси» деб номланган қатор машғулотлари бўлиб ўтди.

Шуни айтиш керакки, «Маънавият гулшани» қизиқувчилар даврасининг асосий мақсади тингловчиларга, айниқса ёшларга Тошкент шаҳри, унинг маҳалла ва даҳалари, обидалари тарихи, алломалари, санъаткорлари, ҳунармандлари ва бошқа буюк аждодлар ҳаёти, фаолияти, ижоди, улар яратган мерос билан яқиндан таништириш, уларни мустақиллигимизнинг қадрига етиб, авайлаб-асраш ва шу маънода ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир.

— Бугунги давра буюк аллома, Ислом оламининг билимдони, табаррук аждодимиз Имоми Аъзам Қаффоли Шоший ҳазратларининг ҳаёти, фаолияти ва тарихига бағишланади, — деди анжуманда сўз олган Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғининг Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари Музаффар Жаъфаров. — Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзлигини англаган миллат улуғ аждодларнинг шаъни-шавкатига, ақлу заковатига, уларнинг ҳаётбахш қутлуғ меросларига ҳамиша муносиб бўлишга ҳаракат қилади», деган ўгитларига амал қилган ҳолда «Маънавият гулшани» давраси ёшларимизни ўзлигини англаш, ота-боболаримиз тарихини, муқаддас қадриятларимизни ўрганиш, аждодларимиз меросидан баҳраманд бўлишга чорлаб келмоқда.

Ушбу анжуманда Тошкент Ислом университети проректори Абдулазиз Мансур, манбашунос Абдушукур Набиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат фахрийси Эгамназар Қодиров, шоир Сиддиқхўжа Умаров, Тошкент Ислом университети аспиранти Неъматулло Муҳамедовлар сўзга чиқиб улуғ аллома ҳақида қимматли маълумотларни етказдилар ва қатнашчиларнинг саволларига жавоб бердилар.

Илмий-амалий анжуман якунида иштирокчилар Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси билан танишдилар ва Имом Қаффоли Шоший мақбарасини зиёрат қилдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Давлат Божхона қўмитаси кўп қиррали нусха кўчирувчи техника воситаларини харид қилишга

тендер эълон қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-76-60
Коммутатор: 120-76-00,
ички: 26-11, 26-08.

Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 25 кун муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ногирон аёллар ва болалар Маънавият ва маърифат маркази қошида очилган **«HAYOTBAXSH»** шўъба корхонаси тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 152-71-94 телефони орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Маджитов Аъзам Рашидович номига берилган № 017 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий-тадқиқот институти маъмурияти ва жамоаси бўлим раҳбари, профессор Орхон Сирожитдинович Махмудова рафиқаси **Любовь Ивановна КОЗИРЬЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Собир Раҳимов туман «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти «Мавжуда-Миразиз» хусусий фирмаси директори Мавжуда Маҳкамовага турмуш ўртоғи **Мирхабиб МАҲКАМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1009. Босмага топшириш вақти 13.00 Топширилди 14.30 1 2 3 4 5 6